


“КЕЛИШИЛДИ”
 Ўзбекистон Республикаси
 Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик
 субъектларининг ҳуқуқлари ва
 қонуний манфаатларини ҳимоя
 қилиш бўйича вакил


 _____ Д. Касимов

2021 йил 20 декабрь

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
 Ўзбекистон Республикаси
 Бандлик ва меҳнат
 муносабатлари вазири


 _____ Н. Хусанов

2021 йил 20 декабрь

**Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини меҳнат қонунчилиги соҳасида
 назорат қилиш юзасидан саволнома, мажбурий талаблар ва назорат
 функциялари**

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш юзасидан саволнома саволлари
 рўйхати

Т/р	Савол (текшириладиган масала, ҳолат)	Савол доирасида текшириш ваколати берилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат
1	Ташкилотлар томонидан фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга риоя этиш, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини ўрганиш	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.08.2018 йилдаги ПҚ-3913-сон қарори 2-банди;
2	Ногиронларга ижтимоий инфратузилма объектларидан тўсқинликсиз фойдаланиш, шунингдек, барча турдаги транспортлардан, транспорт коммуникацияларидан, умумий фойдаланиш алоқа воситалари ҳамда ахборотлардан фойдаланиш учун шароитлар яратиш юзасидан ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилишини ўрганиш	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.08.2018 йилдаги ПҚ-3913-сон қарори 2-банди;
3	Хусусий бандлик агентликлари томонидан хусусий бандлик агентликлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилишини ўрганиш	Ўзбекистон Республикасининг 16.10.2018 йилдаги ЎРҚ-501-сонли Қонуни, 20-моддаси
4	Аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилишини ўрганиш	Ўзбекистон Республикасининг 20.10.2020 йилдаги ЎРҚ-642-сонли Қонуни, 117-моддаси
5	Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини ўрганиш	Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2018 йилдаги 1066-сон Қарори. 3-илоvasи, 8-банди

